

---

Меҳнат фаҳрийси Ибрагимов Юсупжон Маматожиевич “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан тақдирланди. Нишонни Олтиариқ тумани ҳоким Ш.Турдалиев ва туман прокурори, иккинчи сектор раҳбари Р.Тиллаевлар топширишди. Ю.Ибрагимов кўп йиллар қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ҳамда енгил саноат соҳасида самарали меҳнат қилган. Ўз даврида собиқ иттифокда Олтиариқ тумани мавқеини сезиларли даражага кўтаришга хисса қўшган сулола вакили. У суҳбат чоғида юртимизда кейинги йилларда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилаётганлиги, тадбиркор ва ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилаётганлигидан мамнунлигини айтиб ўтди.



2022-12-12 08:01:16